



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
“ЖАХОН ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ

АБДУЛЛАЕВА ГЎЗАЛ ИСМОИЛОВНАнинг

5220200-тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун

“ТЕРМИЗНИНГ РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАРДАГИ МОДДИЙ
МАДАНИЯТИ” мавзусидаги

Битирув мазақавий иши.

Рахбар:

доц. З.Холиқов

Термиз-2012

**Мавзу: ТЕРМИЗНИНГ РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАРДАГИ
МОДДИЙ МАДАНИЯТИ.**

I.Кириш.

II.Адабиётлар таҳлили.

III.Асосий қисм:

I -БОБ. Ўрта асрлардаги сиёсий жуғрофий ҳолати.

II- БОБ.Термизнинг ривожланган ўрта асрлардаги моддий маданияти,
шаҳарсозлик меъморчилик, кулолчилик, бадиий ва амалий санъат.

III-БОБ.Ўрта асрларда, ёзув, эпиграфика тараққиёти.

IV.Хулоса

V.Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан тарихимизни ўрганишга бўлган муносабат ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил “Тарих археология ва этнография илмий текшириш институтларининг фаолиятини кучайтириш тўғрисида”ги фармони ўзбек халқининг тарихини холисона ўрганиб, ёшларни миллий ғурур ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашдек муҳим вазифани ҳар бир илмий кишининг зиммасига юклади. Сурхон воҳасининг ривожланган ўрта асрлардаги архитектура ёдгорликлари Т.А. Пудачинкова, Э.В. Ретвеладзе, И.А. Азимов, Ш.Р. Пидаев, З.А. Аршовская, З.И. Ҳақимов, С. Хмелнискиев каби олимлар томонидан мукамал ўрганилган.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Сурхон воҳасининг ривожланган ўрта асрлардаги тарихий жуғрофияси, топографияси, шаҳар ва қишлоқлар уларнинг ҳудудларида жойлашган архитектура ёдгорликлари, турли, қурилиш усуллари, қадимги шарқ меморчилиги уйғониш даврида қайта тикланганлиги, шарқ уйғониш даври маданияти башарият яратган моддий ва маънавий маданияти натижаларининг ўзида мужассам этганлиги ва юқори даражада таракқий этган маънавиятнинг умумий ва хусусий жиҳатларини акс этиришга қаратилган.

Меъморчилик иншоатларининг турларига бўлиниши мадраса, мақбара, масжид, минора, хонақоҳ, сарой, қароргоҳ, ҳаммом, сардоба, кўприк, карвансарой кабиларнинг асосий хусусиятлари кўрсатилади.

Меъморчиликдаги ислом маданияти Ўрта Осиёда тарқалиши араб босқинчиларнинг кириб келиши билан эмас, балки шарқ халқларининг маданий-иқтисодий алоқаларининг юқори даражага кўтариши билан боғлиқдир.

Бу давр шунинг учун ҳам уйғониш даври маданияти деб аталади. Араблар фақатгина йирик ҳудудларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ҳалифаликлар таркибига бирлаштирди. Бу даврда тил, ёзув ягона йўналишда тараққий этади. Кишиларнинг нафақат дунё қарашлари балки уларнинг моддий турмушида ҳам, маданиятига ҳам ислом динининг умуминсоний хусусиятлари ўз аксини топди.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар: Ўрта Осиёнинг хусусан Ўзбекистон жанубий ҳудудларида жойлашган ва буюк ипак йўлининг чорраҳаларида шаклланган ўрта асрлар шаҳарлари Термиз ва Чағониён вилояти учун ҳам хосдир.

Бундай шаҳарлар Термиз, Чағаниён (Будраг), Дехинав, Басанд (Бойсун), шаҳри-Хайбар (Шеробод), Сарманган (Жарқўрғон), Хошимгирд (Ангор) кабилардан иборат бўлган, шунинг учун маҳаллий асилзодалар, илмли, саводли кишилардан фойдаланишга мажбур бўлган ва уларга эҳтиёж сезган. Халифаликнинг йирик шаҳарларида “Байт-ул Ҳикма”- “Донишмандлар уйи” ни ташкил этиб илм у-фан эшигини очганлар.

Бу жараён 100-150 йил мобайнида инсониятга Ўрта Осиёлик буюк сиймоларни етишиб чиқиши учун замин яратди.

Давлат тили форс-тожик бўлиб, ёзув арабча хатда ёзилар эди. Ёзув тил бирлиги шарқ халқларини янада яқинлаштирди. “тили бирнинг дили бир” деганларидек дунёқараш, эътиқод бирлиги турли халқлар маданиятининг уйғунлашувига олиб келди.

Айниқса сомонийлар давридан бошлаб, Ўрта Осиё халқларининг моддий ва маданий турмушида юксак натижалар қўлга киритила бошлади. Хусусан Термизда Сомонийлар даври шаҳри, яъни шаҳри сомон номи билан ҳам аталган.

Термиз шаҳрининг ядроси, яъни шаҳар қаъласи IX асрдан бошлаб, мустахкам пишиқ ғиштли девор билан ўраб олинган IX-XI асрларда

Термизнинг шахристон қисмида Ал-ҳаким Ат-Термизий мақбараси ва масжиди барпо этилади. Юқорида зикр этилгандек, мақбара буддизим динига оид ер ости хужраларнинг биринчи устида қурилган. Термиздаги чор-устин масжиди ва минораси, Султон Саодат мажмуасининг бош қурилишлари, умуман Термиз шаҳридаги йирик ўзгаришлар сомонийлар давридан бошлаб бу шаҳарга алоҳида эътибор берилганлигини англатади.

IX-XIII асрларда Термиз ва Чағониён ўзининг моддий ва маънавий маданиятидаги ютуқлари билан Мусулмон шарқи уйғониш даври маданиятидаги муҳим ўрин эгаллади.

Ишнинг амалий аҳамияти: Буюк ипак йўлининг чорраҳаларида шаклланган бу шаҳар Ўрта Осиёнинг шарқ мамлакатлари Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой халқлари билан маданий-иқтисодий алоқаларида муҳим аҳамият касб этган. Бу вилоятдан ривожланган ўрта асрларда Ал-ҳаким ат-Термизий, Хўжа Иса ат-Термизий, Абу Бакр ал Барроқ, Хўжа Саид Ваққос каби ўнлаб Термизий олимлар етишиб чиқди.

Бу ерда ислом назариятчилари, каломшунослар, ҳадисшунослар, фикҳшунослар, табиат ва илму нужумот, файласуф, шоир ва адабиётчилар камол топди. Бу юрт буддизимнинг Ўрта Осиёдаги йирик маркази бўлганидек, ислом динининг ҳам таянч шаҳарларидан бирига айланди.

IX-XIII асрларда Термиз ва Чағониён ўзаро урушлари гирдобиди бўлсада, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Салжуқийлар ва Ғазнавийлар даврида маданияти узлуксиз ривожланиб келган ўлка ҳисобланади.

Унинг тарихи ва маданиятини ўрганиш ўсиб-улғайиб келаётган ёш авлод учун муҳимдир.

Ишнинг тузилиши: кириш, адабиётлар таҳлили, асосий қисм 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

II. Адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Биздан озод ва обод ватан қолсин” номли асрларида халқимиз тарихини ҳеч шубҳасиз, ҳолисона ва ҳаққоний ўрганиш халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнимизни топишимизни, кадриятлар, урф-одатлар руҳида йўғирилган миллий ғоямизнинг маънавий илдишларини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ютуқлар, тажрибаларимизнинг ёшлар онгига сингдириш билан боғлиқ масала эканлиги юксак илмий ғоя сифатида илгари сурилади.

Шундай экан биз ёшлар миллий ғоя тарғиботи ва амалиётида фаол иштирок этиш учун халқимиз турмушида минг йиллар мобайнида сайқалланиб келган ўзбекона урф-одатлар, маросимлар, кадриятлар тарихини маданиятимизни яхши ўрганиб. Унга муносиб фарзандлар бўлиб етишмоғимиз зарур.

Мустақиллигимиз шарофати билан 2002 йил апрел ойида қадим Термиз шаҳрининг 2500 йилик тўйи муносабати билан “Термиз буюк ипк йўли чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар” номли илмий тўплам нашр этилди. Бу асрда воҳамизнинг археологик ва архитектура ёдгорликлари устида илмий изланишлар олиб борган олимларнинг илмий мақолалари ўз аксини топган. Асарда Термизнинг қадимги даврдан токи замонавий давргача бўлган тарихи ва маданияти шаҳарсозлик, меъморчилик, кулолчилик, зарганлик, кандакорчилик, чангорлик, дурадгорлик, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган бадий ва амалий саънат, маданият намуналари орқали ўз аксини топган.

Хусусан М.Р.Пидаевнинг “Гончарная производство Термиза в XII-нач XIII в.в.” номли мақоласи ўрта асрларда Термиз шаҳри кулолчиликнинг тараққиёти ва унинг муҳим хусусиятларини ёритишга бағишланган.

Бундан ташқари шу муаллифга тегишли ўрта асрлар шишасозлиги, архитектура иншоотлари тарихига бағишланган рисоалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё архитектура иншоотлари тарихининг чуқур билимдони С. Хмельянскийнинг 4-томлик “Архитектура средней Азии” номли асарининг ривожланган ўрта асрларга бағишланган қисмида Термиз ва унинг атрофида жойлашган мақбара, мадраса, минора. Хонақоҳ карвонсарой, масжид, ҳаммом, кўприк ва бошқа архитектура иншоотларининг асосий хусусиятларининг асосий хусусиятлари очиб берилган.

Бундан ташқари М.Е. Массон томонидан “Термезиская археологическая комплексная экспедиция” (ТАКЭ) натижаларининг тўпламида кўҳна Термизнинг археологик тадқиқотлар марказига айланганлиги тасдиқловчи илмий хулосалар илгари сурилган.

III. Асосий қисм:

I-БОБ. Ўрта асрлардаги Термизнинг сиёсий жуғрофий ҳолати ҳақида.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири Термиздир. Бу шаҳарлардан топилган тангалар ерамиздан олдинги V-IV асрга оид эканлигини тасдиқлайди.

Термиз Амударёнинг Ўрта оқимида жойлашган. Ундан юқориқда Сурхондарё Амударёга қўйилган ва бу ерда кечув жойи мавжуд.

Термиз шаҳрининг тарихий ядроси, маркази тўғри бурчакли қаёла бўлиб, у дарё қирғоғида қад кўтарган. Қаъланинг дарё қирғоғида қурилган деворнинг узунлиги 470-метрни ташкил этади.

Кушон даврида қаёла атрофида шаҳристон вужудга келиб, унинг 70-гектарлик майдони мудофаа дебвори билан айлантриб олинган. Шаҳристоннинг ички томони девор билан тенг бўлмаган икки қисмга бўлинган. Термиз ўша даврда ўзининг атрофидаги ерлари билан 430 гектарни ташкил этади. Бу ҳудудни ҳам баланд девор ҳимоя қилиб турган.

VIII-асрнинг охирида Термиз араб босқинчиларнинг саркардаси мусо ибн Абдуллоҳ томонидан босиб олинди. Араблар термизни эгаллаб олгач, Термизшоҳни шаҳардан қувиб чиқарди. Термизшоҳнинг Самарқанд ихшиди Тархун бошчилигидаги кеш, Насаф, Бухоро отрядларини ва туркийларини Термизни қайтариб олишга ундаб қилган ҳаракатлари беҳуда кетди.

Араб бўлганлар орасида машҳур бўлган собит ибн Қутба ал-Хоразмий ўз жангчилари билан Мусо ибн Абдуллоҳга қўшилган. У янада кучайиб кетган. Улар қулларини бирлаштириб, Халифа язиднинг барча тарафдорларини Мовароуннаҳрдан қувиб чиқаргандан йиғиладиган солиқлар Мусо Ибн абдуллоҳ хазинасига тушадиган бўлди. Мусо ибн Абдуллоҳ Термизда 15 йил ҳукумронлик қилди. Усмон-ибн маъсуд (Пайғамбар орол-жазирант Усмон унинг шарафига шундай аталадиган бўлди), бошилигидаги

арабларнинг, туркларнинг, соғидларнинг ва маҳаллий аҳолининг бирлашган кучлари билан Мусо ибн Абдуллоҳ қаршилиги бостирилди. Унинг ўзи жангда ҳалок бўлди. Ўша пайтдан бошлаб термиз араб халифалари учун таянч нуқтаси бўлиб келди.

Термизнинг араблар томонидан босиб олиниши ва халифалик таркибга киритилиши шаҳарда янги маданиятнинг шаклланиши ва ислом динининг кенг тарқалиши учун замин тайёрлади. Араблар тохаристоннинг бошқа худудларидек термизда Ислом маданиятини, динини қурон кучи билан сингдириб бож, хирож, жизя каби солиқлар орқали аҳолини бўйсундириб олди. Араблар исломни жорий қилиш ва аҳолини ишонтириш Термиздаги буддавийлик, зардуштийлик, настарионлик ибодатхоналарини вайрон қилиб, бу динларни “Сохта дин” деб эълон қилганлар.

Уларнинг ўрнига “байтиллоҳ² оллоҳ уйларини-яъни масжидларни барпо этганлар.¹ масжидга келиб 2 ракат номоз ўқиган муслим жизя солиғи яъни жон бошига солинадиган солиқдан озод этилган, ёки 2 дирҳам пуб олган. Иқтисодий қийинчилик, сиёсий ва диний таҳқирланишдан аламзода кишилар яшаб қолиш учун ҳам динни қабул қилганлар. Ислом дини аста-секин кишиларнинг ҳаётига кириб борган. Шундай қилиб араблар босиб олган даврдан бошлаб Термиз шаҳри тарихининг янги босқичи бошланди. Термиз шаҳри ҳам ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби сиёсий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб савдо ва ҳунармандчилик ва маданиятнинг марказига айланиб борди. Бу давр Европа адабиётларида қайд этилганидек “араб уйғониш” даври эмас, балки бутун шарқ халқларининг уйғониш даври деб аталади. Араблар осие халқлари яшаётган кег худудларни босиб олганларидан сўнг, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан битта худудга бирлашган халқларнинг маданиятида ҳам “синкритизм”-қоришиқлик ва уйғунлашув пайдо бўлди. Бу давр маданиятининг диний-фалсафий, адабий, саънат,

¹Термиз буюк йўллар чораҳандаги кўхна ва янги шаҳар. Т. “шарқ”-2001. 19-бет

архитектура ютуқлари осие халқларининг маданий-иқтисодий алоқалари ривожланишининг маҳсули эди.

Шундай қилиб арабларнинг Боғдохалифалигига кирувчи Термиз шаҳри ҳам шарқ уйғониш даври маданиятининг йирик ютуқларини ва намуналарини ўзида мужассам этади. Унинг маданий ҳаётида ҳам янги устувор йўналишлар юзага келади.

IX асрда Термиз икки қисмдан: шаҳар ва работдан иборат эди. IX аср охирида яшаб ижод қилган Ибн хурдодбекнинг Термиз қояда жойлашган ва унинг девори тагидан дарё оқими ҳақидаги маълумотлари шуни исботлайди.

1

X аср муаллифи Қудамда Термиз шаҳрини тепалик ва қояда жойлашганлигини², Ат-Табарий эса дарё соҳилида эски истехком ёки мудрофаа деворли қалъа –шаҳар мавжудлигини этироф этади.

Сомонийлар давлатини таркиб топишини Ўрта Осие халқларининг гуллаб яшнаши учун йўл очиб берди. Хусусан Термиз шаҳри IX асрнинг охири ва X аср бошларидан бошлаб раванқ топа бошлади.

Бу дарга келиб термиз шаҳри Ўрта Осиенинг бошқа шаҳарлари каби Ўрта асрларнинг типик шаҳрига айланди. Шаҳар уч таркибий қисмга бўлиниб, қаъла-шаҳристон ва работдан иборат эди. Термиз шаҳрининг гуллаб-яшнаши сомонийлар амирларининг Термизга алоҳида аҳамият берганлигидадир. Чунки айрим тарихий маълумотларга кўра, сомонийларнинг келиб чиқиши ҳам шу шаҳар билан боғлиқ.

Ривожланган ўрта асрлар Термиз шаҳри ҳақида кўплаб ёзма манбалар муҳим маълумотлар беради.

Масалан: Истаҳрий 850-934 йил маълумотига кўра, термиз қаъла ва работдан иборат бўлган. Шаҳарларнинг қаъла ва шаҳристони мудрофаа девори билан ўраб олган. Дар ал-имора, яъни ҳукумдорлар саройи қаълада,

¹ Термиз буюк ипак кўли чораҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. Т. 2001. 18-бет.

² Қудамда китоб ал-масомик вал. Маталик. ВГА. 1889.Р.211.

зиндон, бозор ва жоме масжиди эса шаҳристонда, яъни “мадина”да жойлашган рабодда мудофаа деворининг ичкарасида “ал-мусалла” деб аталувчи хайит байрамлари ўтказиладиган масжид жойлашган эди. Кўча ва майдонларнинг аксариятига пишиқ ғишт терилган. Термиз чағаниёндан худуди жиҳатидан кичик бўлсада, аҳоли сони бойлиги ва таъминланиши жиҳатидан ундан устун турган. Шаҳар экинзорлари Чағондур Сурхондарё суви билан суғорилган, истехком учун жайхун сувидан фойдаланилган. Шунини ҳам айтиш керак жайхун суви жуда яхши натижа берган ва унинг сувидан фойдаланилган.¹ Ибн хавқал Итахрий маълумотларига беярли ўрганришлар киритмаган, лекин ундан фарқли ўлароқ “қаъла” сўзи ўрнига “кўҳандиз” сўзини ишлатган.²

Мукаддасий фикрига кўра. Термиз шаҳри “хисла” ва “кўҳандиздан” иборат, яъни мудофаланган шаҳар ва қаъладан ташкил топган.

Жоме масжиди худди шу мудофаланган шаҳарда жойлашган. “Кўҳандиз” битта “мадина” шаҳристон учта дарвозага эга. Шаҳар работга ҳам, шунингдек “сурадиҳат” дейиладиган ўтовлардан иборат работга эга бўлган.³

Кўҳандиз ичидаги иморатлар ҳамда ҳукумдорлар ва бошқа маъмурий бинолар қаерда жойлашганлиги тўғрисида аниқ бир айтиш учун қазил ишлари олиб бориш лозимдир. Бироқ қатламшунослик маълумотларига таяниб шунини айтиш лозимки шаҳарнинг ушбу қисми Сомонийлар давридаёқ қаълага айланган ва унда ҳарбий гарнизон жойлашган.

Қазил ишлари олиб борилган жойларда бу даврга оид монументал бинолар бўлганлиги шундаг дарак беради.

Сомонийлар даврида Термиздаги ҳаёт аста-секин шаҳристонга қараб сурилади, унинг майдони 35 гектардан ошиб кетади. Бу ерда ўтказилган

¹Қамомлиддинов М.С. Историческая-география южного согда и тохаристана по арабоязынкм источником. IX-начала XIIIв.в. Т. “Ўзбекистан”. 1996. Стр.102.

²Қамомлиддинов М.С. Историческая-география южного согда и тохаристана по арабоязынкм источником. IX-начала XIIIв.в. Т. “Ўзбекистан”. 1996. Стр.103.

³Термиз.Т. Шарк. 2001.20 бет.

қазишмалар шаҳарнинг бу қисми сомонийлар даврида жадаллик билан обод қилинганлигидан дарак беради. Шаҳристоннинг шакли номуносиб бўлиб, шимол-ғарбдан жануби-шарққа қараб чўзилган эди. Бу ерда бозор, масжид ҳамда бошқа жамоат ва маъмурий бинолар, асилзодалар уйлари бўлган, ер ости қувирлари ўтказилган. Қудуқлар мавжуд бўлган шаҳарнинг диққатига сазовар зиҳатларидан бири шуки, у ерда кўчалар ва майдонлар соҳилда Истахрий ёзиб қолдирган бўлиб, Ўрта Осиёнинг бошқа биронта ҳам шаҳрида бундай иш қилинмаганлиги эслатиб ўтган. Шаҳристон ҳудудидан кўчалар ўтган. Бундан ташқари Шаҳристон ҳудуди деярли бутун айланаси бўйлаб ташқи ва ички муҳофаа деворлари билан ўраб олинган. Бу деворлар бир-биридан 7-8 метр оралиқда турган. Ички девор баланд бўлмаган. Тўсик тарзида сақланиб қолган ташқи деворга нисбатдан маҳобатли бўлган.

Ташқи девор нисбатдан қадимги бўлиб, араблар истилосигача бўлган даврда қурилган. Ички девор эса X асрнинг ўрталарида ва иккинчи ярмида бунёд этилган. Муҳофаа деворларида пишиқ ғишт ишлатилганлиги у X асрдан илгари қурилмаганини кўрсатади.

Термиз шаҳри XI-XIII аср бошларида тараққиётнинг юксак босқичига чиқди. Бу даврда унинг майдони 500 гектардан ортиқ эди. XI-XIII асрларда Термиз кўҳандизи бутунлай қаълага айланган. Бу ерда енгик чодирсимон уйлар бўлган. Қўрғоннинг турли жойларидан топилган чодир синлари буни тасдиқлайди.

Шаҳарнинг асосий маъмурий ва ижтимоий-маданий бинолари ўрнини аниқлаш. XI-XIII аср бошларидаги Термизнинг тузилишини тушиниб олишда катта аҳамият касб этади.

Чунончи, Эски Термиз шаҳри чеккасидаги ички беағи ғоят маҳобатли бино Термиз ҳуқумдорлари саройи бўлган.¹²

¹Денники Б.П. экспедиция музеи восточных культуры в среднего Азии. В 1927 г. Культуры востока Т. II. М. 1928ю С. 3-16.

²Массон М.Г. ТАКЭ. Т. II. 1945.-С.133

Сарой XI асрнинг биринчи чорагида қурилган деб ҳисобланади ва у 1025 йилда мовароуннаҳрга юриш қилган Маҳмуд Ғайнавий номи билан боғланади. Гардизистоннинг ёзишича ушбу юриш асносида Маҳмуд Термизда ўзининг моҳабати, улуғворлиги ва хашамати билан барчани, биринчи навбатда ўзи шу ерда учрашиши лозим бўлган Қорахонийлар Қодирхонини солиши кеарк бўлган сарой қурилишини буюрган. Бирок саройга бирмунча кейинроқ XII асрда нақш ишланган. Термиз ҳукумдорлари саройининг хашамати Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Хар ҳолда XII аср ўрталарида яшаган Идрисий Термиз атрофи мудофаа девори билан ўраб олинганини, у ерда шоҳона қабулғна хлмахил бинолар ҳамда бозорлар борлигини қайд этар экан, айти шу саройни назарда тутган.³

Работ худудларида учта гузар масжиди бўлгани аниқланди. Работнинг шимолий қисмида IX-X асрларда қурилган деб ҳисобланадиган Чорсустан масжиди бўлган.⁴

Ривожланган Ўрта асрларда термиз шаҳрида хунармандчиликнинг турли соҳалари тараққий этди. Унинг энг муҳим тармоқларидан бири кулолчилик эди. Термизлик кулоллар X- XI асрларда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб мукамал сиркори идишлар ишлаб чиқара бошлади. Термизда тайёрланган сиркори сополни Ўрта Осиёдаги бошқа кулолчилик марказлари маҳсулоти билан солиштирганда улар Самарқанд, Марв, Шошнинг машҳур сопол идишларидан қолишмаслиги маълум бўлди. сирсиз сопол ишлаб чиқариш XI-асрдан бошлаб ривожланди ва XII асрга келиб юқори даражага кўтарилди, ҳамда сирқари сопол ўрнини кўп жихатдан боса бошлади. Бу яхлит қолипли керамика ишлаб чиқариш техникаси такамиллашув билан

³Қамомоллидинов М.С. Историческая-география южного согда и тохаристана по арабоязынкм источникам. IX-начала XIIIв. в. Т. "Ўзбекистан". 1996. Стр.43.

⁴Шишкин В.А.«Курган и лечитьЧорсустанувразвалина Строго Термеза» ТАКЭ Т.II. Т.1995. С 98-136.

боғлиқ бўлиб, бу техника шундай буюмларнинг ишлаб чиқарилишини кескин ошириш имконини берди.

Бунда хилма-хил бўртма тасвирлар идишлар кўринишини унча чиройли қилган. Айни пайтда чизма нақшли сопол идишлар кен тарқалди. Бундай услублаштирилган илмий чирих ва тиграфик нақш билан одатда шаклланган ва ҳаммаси хилма-хил бўлган кўзалар безатилган. Бу давр кулолчилигида симоб кўзача сезиларли ўрин эгаллайди.

XI-XII аср бошларида Термизда ишлаб чиқарилган сопол буюмлар термизлик кулолларнинг юксак касб-хунар даражасини ҳамда унинг аҳолиси моддий-маданиятининг ривожланиш даражасини кўрсатади. Термизлик кулол усталар маҳсулотларининг Ўрта Осиёдаги бошқа кулолчилик марказлари ҳамда чегарадош мамлакатлар, Мовороунаҳрдан ҳам кўпроқ Хуросон буюмлари билан умумий жиҳатлари мавжуддир. Бу ҳол Термиз сиёсий жиҳатдан Хуросон ҳудудидаги давлатлар билан кўпроқ боғлиқ бўлгани туфайли юз берган. Шунга қарамай Термизда ишлаб чиқарилган сопол буюмлар ва бир қанча маҳаллий хусусиятларга ҳам эга бўлган.

Шишисозлик ҳунармандчиликнинг анча ёш, лекин соф шаҳарга хос тармоғи бўлган. Тоҳаристон ҳудудида илк Ўрта асрларда пайдо бўлган бу ҳунар қисқа вақт ичида ҳунармандчиликнинг етакчиси соҳасида айланди. Бу даврда маҳсулотнинг тури кўпайди, ишлаб чиқариш технологияси анча мукаммалашди.⁵ Буюмлар тайёрлашда кўпроқ оч яшил феруза, оч-зангори, тўқ-бинафша ранглардан фойдаланилган. Бу даврда кенг тарқалган шиша идишларнинг анъанавий шакллари оғзи тор ва кенг кўзалар. Қадахлар, косалар атир шишилардан иборат бўлган.

Дераза панжаларига мўлжалланган махсус кесик ойналар Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарларга нисбатдан Термизда эртароқ пайдо бўлган.

⁵ Пидаев Ш.Р. Гончарное проворство Термеза в XII-нач.XIIIввII. Бактрия Тохар станқадимда ва ўрта асрларда Самарқанд. 1993. 48-50 бетлар.

Термизнинг ўрта аср қатламларида шиши буюмларнинг кўплаб топилиши шаҳар шишадоналарининг кўплаб устахоналари бўлганидан дарак беради.

Уларнинг айримлари темирчилар маҳалласида бўлган шундай устахоналаридан бири Рабоднинг жанубий қисмида бўлган бадавлат шаҳарликларнинг уйи ҳовлисида топилган кўп миқдордаги тошлоқ ва хом ашё шуни тасдиқлайди⁶.

Металлсозлик шрта асрлардаги Термиз шаҳрининг ривожланган ҳунармандчилик соҳаси ҳисобланган. Бу ерда металл ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган чилангарлик маҳалласининг мавжуд эканлиги металлсозлик шаҳарнинг иқтисодий маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлигидан дарак беради.

Чилангор айниқса четдан келтирилган қрса (чўяндан махсус усул билан ҳосил қилинган юмшоқ темир) дан фойдаланилган. Меҳнат қуролларидан ташқари бу ерда ҳарбий қуроллар яшаш ривожланган. Чунки Термиз қабласида ҳарбий гарнизонни сақланиши ва бу ернинг стратегик аҳамияти шуни тараққий етган. Улардан кўза, қозон, шакдан пардозлаш ишлари саффарларнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Бу ҳунарлардан ташқари шаҳарда тўқувчилик, қончилик, ҳам ривожланган уларнинг маҳсулотлари афсуски бизгача етиб келмаган.

⁶ Пиддаев Ш.Р. Хозияйствено-жилой комплекс XI-нач.XIII вв. город нов старого Термеза// Архитектура и строительство Узбекистана. № 11. 1986. –С. 8-10.

II- БОБ. Термизнинг ривожланган Ўрта асрлардаги моддий маданияти, Шаҳарсозлик, меъморчилик, кулолчилик бадий ва амалий санъат.

Термизда IX-XIII асрлардаги Масжид, мақбара, минора ва хонақоҳлар халқимизнинг муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳ ёдгорликлари ҳисобланади. IX асрда ёшаб ўтган шаҳарнинг бўлиб ҳомийси ҳисобланган кўплаб суфиёна фалсафий асарлар муаллифи суфийликнинг ўн икки оқимидан бири- “хонимийлик” дарвешлар тарақиётининг асосчиси Ҳоким Ат Термизий мажмуидаги мақбара Термиздаги асосий қадамжодир. Диний мақсаддаги бинолар меморчилиги.

Араб фатҳидан сўнг муслимон диний бинолари масжид, мадраса, мақбара ва хонақоҳарнинг роли ошиб борди. Термиз равнақ топган XI-XII ва XVI асрларда улар улар бу ерда жадал бунёд этган.

Масжидлар. Масжидларнинг уч асосий типини ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар: маҳалла масжидлари, Жоме масжидлари ва номозгоҳ масжидлари.

Жоме масжидлар икки хил бўлган. Биринчи хили-ўртасида чор-атрофи устунли айвон билан ўралган ҳовлили катта бино.

У ривожланган ўрта асрлардан бошлаб Марказий Осиё Жоме масжидларининг икки хили кўп устунли, чор томондан ўралган. Кенг тамер бўлиб, томи бир неча гумбаз ёки вассажуфт билан ёпилган. Бу хил Жоме масжидлар унга кенг ёйилмаган айрим намуналар орқалигина бизга маълум. Сурхондарёдаги дастлабки кўп устунли масжидлардан бири Термиз яқинидаги Сополлитепа масжиди бўлиб, XI асрга оиддир. ¹Бинода кўп устунли тамир бўлиб, 43x25 метр ўрамли тухумсимон чўзиқ майдонни банд етди. Бу ерда пишиқ ғиштдан қилинган 50 дан зиёд пойустун аниқланган. Уларнинг кесилган квадрат (90x90 см) бўлиб, ҳар уч метрга мунтазам қўйилган.

¹ Ретвеладзе Э.В. Аршавская З.А. Абдуллаев К.А. Древнейшая многоношенная мечет средний Азии // С.А.У. №6. 1979.

Чаганиёнда бозор ўртасида пишиқ ғишдан қурилган равоқсиз² (васс-жуфт билан текис ёпилган бўлса керак) “гўзал” масжид ҳам, манбалар (Истақрий ва ал-Мақсидий) га кўра шунақа Мужассамотга эга бўлганда ўхшайди.

Чорустун масжиди (X аср) муайян даврларда жоме ва барзида номозгоҳ масжид вазифасини бажарган кўринади. Бу масжид тарихи мурабба (тахминан 10x10 метр) ҳовли бурчагида жойлашган, бостирма сифатида устун гумбазли иншоат бўлган.³

Ғарб ва Жануб томонидан ҳам ҳам ғишдан кўтарилган девор билан бутунлай тўсилган, шимол ва шарқ томонидан эса равоқ айвон орқали ҳовлига қараган. Такор ичида пишиқ ғишдан терилган диаметр бир метрли тўққиз гумбазли томни кўтариб турарди. XI аср масжиднинг бошқа бурчагида пишиқ ғишдан минора тикланиб, унга 1032-йил санаси ёзилган, шунингдек масжид таъмирланган. Ҳом ғиш терилган сақн, девор, шу жумладан меҳроб ҳам пишиқ ғиш билан қопланган.⁴ жануби-ғарбида девор марказида жойлашган меҳроб тақасимон тақмондан иборат бўлиб, шу ерга яқин жойлашган, ҳам ғишдан қилинган. Қўрғон қўшли сингари кунгира билан безатилган.

Катта масжид кейинроқ қурилган масжидлар сирасига киради. У XVIII-XIX асрларга оид бўлиб, Термиз яқинидаги Ўрта овул қишлоғига жойлашган. Бу тарқи мурабба ҳар бир томони 14 метрдан бўлган хочсимон гумбазли зали ҳамда бурчакларида гумбазли тўртта хонаси бўлган, ҳам ғишдан терилган иншоатдир. Марказий талорнинг усти поғонали чархи гумбаз билан ёпилган. Масжид залида меҳроб жойлашган. Ғарбий девордан ташқари барча томондан терилади. Масжид ичи чархи гумбаз ва балхи гумбаз тепасидан очилган туйнуклар орқали ёритилади.

² Аршавская З.А. Ретвеладзе Э.В. Ҳақимова З.А. уҳод сог 1982. С.40.

³ Шишкин В.А. “қургани” М. Мечеть Соригу в развалина старого Термеза // Труды АУ ТАКЭ: ТПТ. 1945.С-100.

⁴ Нельсон В.А. Некоторые сырковые купленные постройки на юге домики Сурхандары и М.Х.У. выпь 3.Т. 1962. С-101-102.

Шуни такидлаш зарурки масжидларнинг кенг тарқалган тўрнинг тури кадам жолар ёнидаги масжидлар эди. Улар кейинги саҳифаларда ушбу масжидларнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилади.

Миноралар. Азон айтиб мусулмонларни намозга чорлашда хизмат қилган миноралар жоме масжидларнинг ажралмас қисми бўлган. Ўрта Осиёдаги дастлабки миноралар сақланиб қолмаган, бироқ улар хом ғишдан қурилиб, кейинчалик айримлари пишиқ ғишдан қурилиб, кейинчалик айримлари пиштин ғишт билан қопланган маълум. XI асрдан бошлаб минораларнинг кўпи буткул пишиқ ғишдан ишланиб, бир неча горизантал белбоғларига эпиграфик безак берилган. Миноранинг юзасига ғишт нақшинкор терилган, нақшли мукарнасан бўртма гулли горизантал белбоғ қиланган. Бу унсурлар ҳозир сақланиб қолмаган. Жоме масжидларнинг бир қисми бўлган. Бузилмай қолган айрим миноралар (масалан, Бухорада каноҳ минораси, Бобкент ва Жарқургондаги миноралар) ҳозир ҳам Ўрта Осиёнинг катор минтақаларида алоҳида ҳолда кўкка бўй чўзиб турибди.

Термиздаги чорсутун масжиди ёнидаги унга катта бўлмаган, ҳозир бузилиб кетган минора шундайлардан эди. XX асрнинг дастлабки ўттиз йилида ҳам ушбу масжид ҳаробалари узра кўкка интилиб турган, бу минора Ўрта Осиёдаги пишиқ ғишдан ишланган қадимги миноралардан бири бўлган.

Баландли 13 метр ва диаметри 3-метр бўлган цилиндирсимон танаси саккиз қиррали пойдеворга турган. Бу Ўрта Осиёдаги ягона цилиндирсимон минора, чунки қолган барча миноралар понуссимон бўлиб юқорига қараб бироз ингичкаланиб боради. Бу минорага айланм зина бўлиб, муаззин туришига мўлжалланган. Майдонга-қафасача олиб чиққан. Бу майдонга даставвал тахминан 16-18 метр баландликда бўлган.¹

¹ Прибыткова А.М. Строительная культура средней Азии. В. IX-XII в.в. М. 1973. С-213.

Танасининг ғиштин юзаси бўртма эпиграфик безакдан иборат бўлган тўртта белбоғ билан безатилган. Белбоғлар ғишти жуфт-жуфт терилган. Миноранинг юзасида ажралиб кўришиб туради. Бу монументал хаттотликнинг илк вариантлари бўлиб тарошланган ғиштлардан терилган. Кўфий лавҳалар сода ва бир мунча хандасавий хусусиятга эга эди. Минора белбоғларидан бирида у бунёд этилган сана ҳижрий 423-йилни ўқишга муаффақ бўлинди. (бу милодий 1032 йилга мутобиқ келади).

Ўрта Осиёдаги қирроли ягона минора-жаркургон минораси. У ўрта асрдаги Чарманган қишлоқ ҳудудида Мемор Али Ибн Муҳаммад Сарахсий томонидан 1109 йилда қурилган. Бир пайтлар икки ашёли бўлган. Бу миноранинг қуйи ашёнаси ҳам яхши сақланиб қолган. Унинг танаси бир-бирига туташган ярим доира тарзидаги 16 қирра билан безатилган Маҳорат билан арчасимон қилиб терилган. Қиралар қуйида бир-биридан мунча қочиб юқорига кўтарилган сайин бир-бирига чқинлаш боради. 20 метр баландликда улар горизантал эпиграфик белбоғ билан туташган. Буларда қуроний лавҳ тугамаган, бинобарин, минора танасининг сақланиб қолмаган қисмида эпиграфик нақишли яна бир белбоғ бўлган.² Миноранинг 21.6 метрли қисми сақланиб қолган. Қуйи диаметри 5.4 метр, юқориси 4.1 метр. Минора ғишти ғоят пухталиқ билан нақшлар терилган ва умуман унинг нафис бадий кифоаси кишини ҳайратга солади. Жаркургон минораси меморий бадий ечимга кўра шимолий Ҳиндистон ва хуросон мимораларига яқин туради. Мадрасалар шарқда бу типдаги бино даставвал Ҳаршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида тилга олинган. Унда Бухородаги 737 йилдаёниб кетган Фаржак мадрасаси ҳақида гап боради.¹

Улуғбек томонидан Бухоро, Самарқанд ва Ғишдивонда барпо этилган учта мадраса Ўрта Осиёда сақланиб қолган. Кўплаб мадрасалардан энг қадимийларидир.

² Прибыткова А.М. Строительная культура средней Азии. V.IX-XII в.в. М. 1973. С-113.

¹ Наршахи Абу-бақр мухаммад История Бухары Перевод с перс и Лихонина подпер. В.В. Бартольда. Т.1997.С-118.

Термизда мавжуд бўлган мадрасаларнинг илк классик намуналари, афсуски сақланиб солмаган. Шу боис улар ҳида бирон-бир маъмулотга эга эмасмиз. Бироқ Деновдаги XVI-XVII асрларга оид Саид Оталиқ мадрасаси архитектурасига қараб Термизда классик мадраса бунёд этиш анъаналари этиш ҳақида ҳукм юритиш мумкин. Пишиқ ғишдан кўтарилган бу монументал иншоат ўша даврда етакчи бўлган. Бухорога меъморчилик мактаби анъаналарининг кучли таъсири остида бунёд этилган. Тархи тўғри бурчакли, икки ашёнали, бу бинода чор атрофи ҳужралар ҳамда ўқларидан тўртта устунли айвон билан қуршалган ҳовли бўлган. Ерда нодир ва асосан Бухоро мадрасалари хос усул қўлланган-? Бино ён тарафларидан ташқарига караган равоқли пешайвонлар қўйилган.

Термиз яқинида 1958 йилда В.А. Нилсон томонидан тадқиқи этилган., ҳом ғишдан содда қурилган икки мадраса XVIII-XIX асрларга оиддир. Уларда анча кенг баъзан ўртасида ҳовуз бўлган ҳовли атрофида (унинг чор атрофини тўла банд этмаган ҳолда) тархи мураббага яқин бўлган. Уст балхи усулида ёпилган ҳужралар жойлашган ҳовлининг ғарбида эса тарихи ёйилган. Уч қисмдан иборат масжид бўлган. Тарихга кўра, бу хонақо-масжид ва мадраса ҳужраларидан иборат сўқийлар мажнун бўлган. Бундай мажмуалар XVII-XIX асрларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Масалан, бухородаги нисбатдан монументлар конструкция бўйича қурилган халифа Ниёзқул ва Халифа Худойдод хонақо мажмуалари шу кабилардир. Сурхондарёнинг сўл соҳилида Хўжа мулки қишлоғидаги мадрасаси¹ бир қавватли катта мажмуа анча йирик бўлсада, меморий жиҳатдан соддароқдир. Ўртасида ҳовузи бўлган соя-салқин чорси ҳовли чор атрофида қирққа яқин ҳужра бор. Ҳовлининг жанубий-ғарбий бурчагида учта катта кенг ҳужра бўлиб, атрофидан дарсхона талори бўлган. Ҳовлининг ғарб томонида ҳам ғишдан кўтарлигна, шифти вассажуфтла бир ҳадли масжид ва ҳом ғитдан

¹ Нельсон В.А. Некаторе сырцовые колёсные постройки на юге долине Сурхандары ИМКУ. Выпи. 3,Т. 1962. С. 102-122.

минбар бўлган. Томонлари 3,5 метрли, балки гумбаз билан ёпилган хужралар деворида усти равоқли токчалар бўлиб, уларга китоб тахланган ва рўзгор буюмлари териб қўйилган. Шунингдек, кўпчилик хужраларда кираверишда ўнг бурчакда ўчоқ бўлган.

Термиздан шимоли-шарқда жойлашган Солиқобод қишлоғидаги мадраса (ҳозир қўй бўлиб кетган) юқорида тилга олинган мадрасадан чоғроқ бўлган, бироқ анча пухта ишланган ва қатор безаклари бўлган.

Мадраса ҳовлисига икки томондан гулдаста минора бўлган. Дарвозахона орқали кирилган. Хужраларда китоб ва рўзгор буюмлари қўйиш учун учли равоқли токчалар, шунингдек шимолий бурчакда деворнинг ташқарисида мўркони бўлган. Ярим доира токчасимон ўчоқ бўлган. Ғарб томонида олди ҳовлисига қараган уч гумбазли масжид жойлашган. Унинг маркази қисми йн қисмлари билан равоқ орқали бирлашган, натижада масжиднинг учун зали яҳлит бўлиб қолган. Маркзий қисм усти афтидан, тепасида ёруғлик кирадиган туйнук бўлиб думалоқ гумбаз билан ён қисмлари эса балхи гумбазлар билан ёпилган. Ғарбий деворларнинг марказида ўймақори ганч билан безатилган. Беш қиррали меҳроб токмони бўлган. Чизмага кўра масжиднинг олд томонида тўрт равоқ бўлган. Учасидан масжидга киритилган. Уларнинг орасидагилар эса деворий танга бўлган.¹ Уч умбазли бино олд томонининг беш равоқ билан мустахкамланиши Шеробод яқинидаги уч гумбазли Хўжа Исо мақбарасининг шу каби, бироқ олти равоқли тарзига ўхшарди. Мадрасанинг жанубий-ғарбий бурчагида ёғоч устунли айвон жойлашган., унинг девори ва меҳроб тақмони оддий чангчирик билан безатилган. Мақбаралар Ўрта Осиёдаги минтақалардан фарқли равишда, Сурхондарё меъморилик мактабида мақбараларни нисбатдан сиполик билан безаш хос бўлган. Уларнинг баъзилари мусул авлиёларнинг қарлари устида барпо этилган. Мақбаралар қадамажо бўлиб хизмат қилган.

¹Нельсон В.А. Некоторые сырцовые колесные постройки на юге долине Сурхандары ИМКУ. Выпи. 3,Т. 1962. С. 102-122.

Вақт ўтиши билан улар атрофида ёдгорлик зиётаргон мажмуи вужудга келган. Зулкифл ат Термизий ва Султон Саодат мажмуалари шундайлардандир.

Термиз воҳасида улар билан бир қаторда XI-XII асрлардаги оид бир ҳадли гумбазли мақбаралар ҳам учрайди. Хом ғиштдан кўрилган мақбаралар озгина ўзгарган ҳолда ёки қисман сақланиб қолган.

Термиз туманидаги XI-XII асрларга оид Тўртауз гумбаз мақбараси шулар жумласидан. Аввалги тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу тархли мурабба (зал ўлчами 7,20-7,20 метр) ҳар бир тарзи (мурабба) шаклида марказида равоқ бўлган. Пиштоқ-гумбазли бир ҳадли мақбара бўлган. Жануб тарафдаги бош тарзи чуқур равоқли тахмонли бўлган, бештоқ бегаб турган. Икки томонга нишоб қилиб ишланган. Деворлар (равоы-тахмонининг вертикал ён томонлари) марказида ихчам учли равоқли тоқчалар жойлашган. Гумбаз бурчаклари боғотли уч қатор мухарнас бўлган равоқли бағал устидаги саккиз қирали пой гумбазда турган.

Термиз томондаги Термиз-Ангор йўли яқинида жойлашган Хўжа Рушнойи мақбараси ¹ ҳам хом ғиштдан бир ҳадли ва нештоқ гумбазли қилиб қурилган. Чортоқ равоқли бағални, унинг устидаги пойгумбазни ҳамда чархи гумбазни кўтариб турган. Ичкарида консол тарзида осилган. Ғиштчалар кўринишдаги мухарнаслар асосий безакдир. Тўрт қаттор шундай мухарнас бўлган бағални безатиб туради. Уч қатор мухарнас эса бағалнинг саккиз-қиррала пойустуни устидаги гумбаз бўғотни кўтариб туради. Шимолий деворнинг қуйи қисмидаги тахмон номутаносиб жой олган. Отаулло Эшон мақбараси шеробод яқинида тепаликлардан бирида жойлашган. Бу-тархи деярли мурабба шаклида (6,8x6,4 метр) бўлган бир ҳадли сентрик мақбара, унинг шимолий тарзи марказидаги ҳозир ҳам очик мана йўл ғишти понасимон қилиб терилган кенг равоқдаги иборат. Ичкарида бурчак

¹Аршавская З.А. Ртвеладзе Э.В. Хакимов З.А. средневековые разметчики Сурхандарьи Т. 1982. С,106,

бағалнинг безатилишида қизиқ. Бағал чортоқдаги гумбазнинг думалок асосида махсус пофгумбазсиз ўтади. Ҳар бир бағал равоқли тахмон шаклида ишланган, унинг ичида горизантал терилган. Гишт фониди XI-XII асрлар учун анъанавий бўлган арчасимон диаганал терилган уч қатор гишт кўтариб туради. Мақбара усти хом гишздан чархи гумбаз усулида ёпилган. Гумбаз остидан копсал тарзида чиқарилган икки қатор гишт кўриниб турибди.

Мақбарани 1977 йилда тадқиқ қилинган З.А. Аршавская ва Э.В. Ретвеладезлар уни дастлаб XI асрда қурилган деган фикр^{7а} келишди. Айни маҳалда у кейинроқ қурилган бўлиши мумкинлигини эътироф этишди.

Ўйиқ гумбаз мақбараси хом гишздан тикланган бир гумбазли бир ҳадли иншоат бўлиб, ўша шарқ томонидан ҳам “Г” симон тарзидаги айвон туташган. Ичкарида чартоқ устида равоқли бағал-пойгумбаз ва гумбаз ишланган. Ички деворлари ўзига хос безалган. Хиар бирининг марказида баланд учли равоқли тахмон бўлиб. Унинг ичида кичикроқ ва юзароқ тоқчалар жойлашган. Бу хол равоқ ичкари томон торайиб бораётгандай таасурот уйғотади. Юқори қисмидаги катта тахмон равоқнинг пойига қадар тўғри бурчак шаклида хошия ичида олинган. Катта равоқ ичига кичигини ишлаш усули бурчак бағалларда ҳам такрорланган. Ягона кириш йўли шимол девор шарқий девор билан туташган бурчакдир. Ташқаридан алибон туташган шарқий тарх учта катта юза деворий тахмон билан безатилган, у Шерободдаги Хожа Исо мақбараси тарзларининг шу каби безагини эслашади. Айвоннинг жанубий-ғарбий деворий, марказида тобора торайиб борувчи равоқчалар қаторидан иборат тоқча қўйилган. Уни мақбара қошидаги масжид меҳроби тоқаси қошидаги масжид меҳроби тоқчаси ҳам дейиш мумкин. Хом гишздан тикланган бир ҳадли. Бир гумбазли мақбараларнинг хажвий муноссабати ҳамда тархинини тузилиши умумийлигига қарамай, уларнинг ҳар бири безаклари, бош тарзининг ҳамда бағалнинг ишланишига кўра ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Валийлик мақомиг эришган шахсларнинг мақбаралари пишиқ ғитдан монумаентал мужассамотда ишланган, ҳамда турли деворларда қурилган бошқа иморатларни ҳам ўз ичига олган. Бу иморатлардан энг жириги макбарага ёндош энг йириги макбарага ёндош масжид булган. Сурхондарёда жуда мукаддас саналган Хожа Исо макбарасимасжидини шундайлар каторига киритиш мумкун. Бу ерда мусулмон шарқда ўз асарлари билан машхур бўлган мутақаллим, мухаддис Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий дафн этилган. Мақбара шнрободдан жануби-шарқда 6 км масофада жойлашган. У тархи тўғри тўртбурчак бўлган укч гумбазли иншоат бўлиб, тўртта хонаси биридан-бирига ўтадиган тарзда жойлаштирилган. Тархи мурабба бўлган учта қисмнинг устида гумбаз ишланган, ичкаридан кенг равоқли йўлақлар билан ўзаро бирлашган. Тўртинчи хона макбарага жануби-шарқда туташувчи миёнсарой. Унинг сатҳи бутун иншоат сатҳига нисбатдан чуқурроқ. Куббали узун пиёнсарой устида, иккинчи қаватда нисбатдан паст куббали хона қилинган, унга ташқаридан зинапоя орқали чиқилади. Миёнсаройдан даҳнага киритилади. У ерда эски сағана қўйилган. Даҳмадан кенг равоқ орқали масжид кўриниб туради, унинг маркзий қисмида меҳроб бўлиб, ғарбий девордан ташқари ҳар бир ўқда жойлашган йўл орқали унга ўтиш мумкин. Гуммази уч қисм конструкцияси ва безаги сипо ҳамда лўнда: чархи гумбазни кўтариб турган саккиз қиррали бағал чортоқ устида ўтирган. Бинонинг узун тарихи “П” симон ҳажмга олинган олти равоқли токчага ажратилган. Равоқ саррови унинг тагигача чоргулсимон уйма деталлар билан нақшланган, деворнинг юзаси ичкарисиди ҳам, ташқарида ҳам ғишт кўринадиган қилиб қолдирилган чокларига чанг босилган. ¹сўнги таъмирлашда исмли ва китоба нақшлар ўйилган. Қўполроқ қалин қатлам билан қопланган.

Зулкифл мақбараси жойлашган беноми ҳам мураккаб таркибли мақбаралар сирасига киритиш мумкин. Мураккб номутаносиб тархли тўрт

¹Аршавская З.А. Ртвеладзе Э.В. Хакимов З.А. средневековые памятники Сурхандарьи Т. 1982. С.182,

ҳадли бу бино турли даврларда қурпилган гумбазли даврларда қурилган гумбазли хоналардан иборат. Улар 1977 илда З.А, Аршавская ва Э.В. Ртвеладзе томонидан батафсил текширилган.

Мақбара эски Термиз харобалари қаршисида Амударё ўртасида жойлашган Пайғамбар оролда қурилган.

